ЎЗБЕКИСТОН ССР "БИЛИМ" ЖАМИЯТИ

САЪДИ НАРЗИЕВИЧ НАЙИМОВ

# БУХОРО ОБЛАСТИ ТОПОНИМИЯСИ

/жойлар номлари/

Лекторга ёрдам

ТОШКЕНТ - 1984

10 15684
0

1984 ГБ УзССР
А 29098 10

БУХОРО ОБЛАСТИ ТОПОНИМИЯСИ

Бухоро области Зарафшон водийсининг қуйи қисмида, Бухоро воҳасида - Қизилқум ва Қорақум чўлларининг ўртасида жойлашган. Шимолда Қозоғистон ССР, ғарбда Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистон ССР билан, жануби-шарқда ЎзССРнинг Қашқадарё, Самарқанд ва шарқда Сирдарё областлари билан чегарадош. Территориясининг кўп қисми чўлдан иборат. Аристонтов, Олтинтов, Етимтов, Томдитов, Авминзатов, Қулжиқтов каби паст тоғлар бор.

Бухоро области 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Майдони 143,2 минг квадрат километр, аҳолиси 914 минг киши. /бу маълумотлар Бухоро области таркибидан Навоий области ажралиб чиққунгача бўлган рақамлар/. Маркази Бухоро шаҳри.

1970 йилги аҳоли рўйхатига кўра ўзбеклар 72 %, руслар, 11 %, қозоқлар 5,5 %, татарлар 3,5 %, тожиклар 2 %, яҳудийлар 1 %, қорақалпоқлар - 1 % ни ташкил қилган.

Бухоро воҳаси Зарафшон дарёсининг Қизилқум ичига ёриб кирган қадимги дельтасининг бир қисмини ишғол қилади. Зарафшон дарёсининг этаклари дарё олиб келган жинслардан таркиб топган кенг текисликдан иборат. Иқлими қуруқ, кескин континентал. Бу ерда ерни суғормасдан туриб деҳқончилик қилиб бўлмайди. Биз бу ишда Бухоро воҳасидаги жой номлари /атоқли отлар/ ҳақида фикр юритмоқчимиз. Жой номлари /топонимлар/нинг тарихи, этимологияси юзасидан айтилган мулоҳазаларимизда машҳур шарқшунос олимлар В.В.Бартольд, В.А. Шишкин, С.П.Толстов, Я.Г.Ғуломов, шунингдек А.Асқаров, У.Исломов, О.Д.Чехович, О.С.Сухарева, Н.А.Кисляков, айниқса А.Р.Муҳамаджонова ва С.Кораевларнинг асарларидан фойдаландик.

Тоғлардан сув оладиган Зарафшон дарёси турли даврларда турли номлар билан аталган. Дастлаб қадимги юнон авторларининг асарларида Зарафшон Политимет деб аталган. Шуниси эътиборга сазоворки,

дарёнинг суғдча номи Намич /Намик/ сўзи ҳам унинг юнонча номи каби "азим дарё" деган маънони билдиради. Ўрта асрлардаги араб географларининг асарларида Зарафшон Води ас-Сўғд, Наҳр ас=Сўғд ва Наҳр ан=Бухоро деб номланган. Бу дарё бошқа асарларда Руди Масоф, Руди Шарғ /Чарх/, Харамкон, Рўди Сомжон каби номлар билан аталган. Шу нарса диққатга сазоворки, Муғ тепалигидан топилган суғд ҳужжатларида /УШ аср бошлари/ бу дарё Заруп ёки Зарнуп "Олтинсув" деб аталган. Бу эса дарёнинг ҳозирги номига ўхшаб кетади.

Зарафшон воҳаси ва Қашқадарё воҳаси қадимги даврда Сўғд /Сўғдиёна/ деб аталган. Сўғдийлар эрон тиллари группасига кирадиган сўғд тилида гаплашишган. Шунинг учун ҳам бу районда сўғдча номлар кўп учрайди. Чунончи, Х асрдан бошлабоқ ҳозирги ном билан аталган Қоракўлнинг сўғдча номи Сомжон бўлган. Бу сўз ҳам қадимги кўлнинг ҳозирги номи маъносини англатган.

Зарафшон водийсининг тарихи ёзма ёдгорликларда, чунончи араб географларининг асарларида, Бухоролик олим Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китобида ва бошқа манбаларда ёритилган. Зарафшон водийси, жумладан Бухоро воҳасининг тарихи совет даврида айниқса кенг ўрганилди.

Маълумки жой номлари, уларнинг юзага келиши, берилиш сабаблари ўлканинг тарихи билан айниқса унинг хўжалиги, деҳқончилиги, жумладан суғорилиш тарихи билан зич боғлиқ бўлади. Шунинг учун биз қуйида Бухоро областининг суғорилиш тарихига қисқача тўхталамиз.

Олимлардан академик В.В.Бартольд, В.А.Шишкин, Я.Ғ.Ғуломов асарларида Бухоро воҳасининг тарихи, жумладан суғорилиш тарихи, кенг ёритилган. В.В.Бартольднинг "Туркистоннинг суғорилиш тарихига доир" деган асарида Зарафшон дарёсидан суғо-

рилладиган ерларнинг ирригацияси тарихига бутун бир боб ажратилган. Бунда олим ўлканинг суғорилиш тарихини энг қадимги замонлардан бошлаб ХУШ асргача ишончли манбалар асосида муфассал баён этди. Бухоро воҳасининг тарихини ўрганишда В.А.Шишкиннинг 1963 йилда Москвада босилиб чиққан "Варахша" монографияси муҳим аҳамиятга эга. Бу асарда қадимдан суғорилиб келган ерлардаги археологик ёдгорликларга кенг обзор берилади, ўлканинг суғорилиш хусусиятлари ёритилади ва воҳадаги жой номларининг таркиб топиш тарихи қисқача баён қилинган.

ЎзССР Фанлар Академиясининг академиги Я.Ғ.Ғуломов Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихига оид археологик материал тўплади ва Бухоро воҳасининг суғорилиш тарихи схемасини чизиб берди. Я.Ғ.Ғуломов Бухоро воҳаси тарихига ва суғорилиш тарихига доир бир қанча мақола ва ишлар эълон қилди. Ўлканинг тарихини ўрганиш ишига кейинчалик тарих фанлари доктори А.Р.Муҳаммаджонов айниқса катта ҳисса қўшди. У тарихий ва археологик манбалар асосида тўпланган бой фактик материалларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Зарафшон дарёси этаги – Бухоро воҳасининг энг қадимги замонлардан бошлаб ХХ аср бошларигача суғорилиш тарихини муфассал баён этди ва ўз изланишларини "Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи" деган монографияда умумлаштирди. Шунга қарамасдан Бухоро воҳасининг суғорилиш тарихи ҳали мукаммал ўрганилган эмас. Бунинг сабаби қисман ушбу масаланинг ўз мураккаблигидадир. Қадимги ариқ ва каналларнинг излари кейинги қурилишлар ва реконструкциялар натижасида йўқ қилиб юборилган. Воҳанинг ички қисмларида қадимги канал ва ариқларнинг изларини умуман топиб бўлмайди. Бунинг устига, қадим замонларда суғорилган катта-катта майдонлар кўчма қумлар тагида қолиб кетган.

Шу нарса аниқки, милоднинг бошларига келганда бу ўлкада сон-саноқсиз ариқ ва каналлар бўлган. Ана шу даврга келганда магистрал ариқлар қуриш юксак поғонага кўтарилган. Академик В.В.Бартольд Зарафшон ҳавзасида асосий ариқ каналлар системаси араблар келмасдан олдин вужудга келган эди,деб ёзади.Ўлкани араблар босиб олгандан сўнг ари.., каналлар ва дарёларнинг ўзанлари чуқурлаштирилди, қулоқлар ўзгартирилди. Аммо араблар босиб олгандан сўнг бу ўлкада суғориш соҳасида қилинган ишлар илгаридан мавжуд бўлган, кейинчалик ташлаб кетилган канал ва ариқларни баъзан бошқа номлар билан тиклашдан иборат бўлди, холос. Маълумки, УП асрнинг охирги чорагида араб қўшинлари Мовароуннаҳрга бостириб кирди ва улар 674 йилда Бухоронинг қадимий Пойкенд шаҳрини босиб олди. Улар 707 йилда Бухоро вилоятининг энг қадимий шаҳарларидан бири Ромитонни, 709 йилда эса бой ва яхши мустаҳкамланган Бухоро шаҳрини қўлга киритдилар. УШ-IX асрларда Бухорода катта ўзгаришлар рўй берди - шаҳар кенгайди, унинг атрофида яна II дарвозали истеҳком девори пайдо бўлди. Бухоро халифаликнинг йирик шаҳрига айланди, сўнгра мустақил Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлиб қолди. 966 йилдан II4I йилгача Бухорода Қорахонийлар ҳукмронлик қилди, сўнгра феодал садрлар ҳукм сурди. I207 йилда Бухорони Хоразмшоҳ Муҳаммад қўшинлари босиб олди.

I222 йил февралда Бухоро Чингизхон аскарлари томонидан босиб олинади. Татар-мўғуллар забт қилган даврда Бухоро шаҳари икки марта (I220 ва I273 йилларда) ёндирилди ва хонавайрон қилинди. I373 йилда Бухоро темурийлар империяси таркибига қўшиб олинади. ХУI аср бошларидан ХУШ асрнинг биринчи ярмигача Бухорода шайбонийлар ва аштархонийлар сулолалари ҳукмронлик қилди. ХУI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон

даврида (1558-1598) Бухоро яна давлатнинг сиёсий маркази бўлиб қолади. Бу давлат Бухоро хонлиги деб аталади.

Манғитлар ҳукмронлик қилган давр (1753-1920)- Бухоронинг кўп асрлик тарихида энг аянчлиси ҳисобланади. Мусулмон Шарқидаги феодал маданияти маркази бўлган Бухоро диний жаҳолат, реакция, деспотизм марказига айланади. Иқтисодий жиҳатдан таназзулга учрайди.

x x

x

Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан сўнг Бухоро меҳнаткашлари ҳаётида туб социал ўзгаришлар рўй бера бошлади.

1920 йил сентябрда Бухоро Халқ Социалистик Республикаси эълон қилинади. Бухоро республикаси биринчи кундан бошлабоқ социалистик Россия билан, жаҳон империализмига қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ ўрната бошлайди. 1924 йил 24 октябрда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараларининг ўтказилиши муносабати билан Бухоро Халқ Социалистик Республикаси Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР таркибига киритилади. Бухоро республикасининг Ўзбекистондаги қисмида 1924 йилдан 1938 йилгача Ўзбекистон ССР нинг Зарафшон округи мавжуд бўлди, 1938 йил 15 январда Бухоро области тузилди.

Бухоро воҳаси дунёдаги қадимий маданият учоқларидан биридир. Қадимий ёзма ёдгорликлар ана шундан дарак беради. Бу манбаларда аҳоли пунктлари, ариқ ва каналлар ва бошқа объектларнинг номлари қадимдан тилга олинган. Ўлкадаги қадимий қишлоқ ва шаҳарлардан Бухоро, Дабусия (Қалъаи Дабус), Карминия (Кармана), Тавовис ("Товуслар", арабларнинг олдинги Арфуд ёки Аркуд), Шарғ, Ҳархона, Ғиждувон, Фаровуз, Ромитан, Зармитан, Фарахша (Варахша), Афшина (Афшона), Пой-

кенд, Хунбун, Тароб, Наршах, Авшар ва бошқалар, шунингдек, Бухоро вилоятларининг номлари бундан минг йил олдин битилган манбаларда, чунончи араб географларидан Истахрий, Муқаддасий, Ибн Хурдодбеҳ, Ибн Ҳалқал асарларида, шунингдек Ёқут Ҳамавийнинг "Муъжам ул-Булдон" географик луғатида, Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида тилга олинган.

Бу асарлардан Бухородаги Наршах қишлоғида туғилган Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахийнинг асарига алоҳида тўхталиб ўтамиз, чунки бу асар ўлканинг тарихий топонимиясига оид энг қимматли асардир. Асар 934-944 йилларда араб тилларида ёзилган. 1128-1129 йилларда қисқартирилиб, форс тилига таржима қилинган. Лекин асарнинг арабча нусхаси бизгача етиб келмаган. Бу китоб 1966 йилда Тошкентда ўзбек тилида нашр этилди.

Китобда УШ-ХП асрларда Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти баён этилади. Бухоронинг қадимги топографияси тасвирланади, шунингдек, Бухоро яқинидаги шаҳар ва қишлоқлар тасвирланади. Ҳаммаси бўлиб асарда бир неча юз географик ном (атоқли от) тилга олинади. Шуниси қизиқки, асарда тилга олинган кўпгина номлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Чунончи, Нур ёки Нура Бухоро (ҳозирги Нурота), Ғиждувон, Ромитан, Шофиркон, Кармана, Зарманан, Афшина - Афшона (Абу Али ибн Синонинг туғилган жойи), Қоракўл кабилар энг қадимий топонимлар бўлиб, бундан минг йил олдинги манбада тилга олинган. Наршахийнинг сўзларига қараганда, Ромитан (Ромтин), Варахша (Фарахша), Пойкенд Бухородан ҳам қадимийдир. Унинг айтишича, Бухоронинг яна Нумижкат, Бумискат, Мадинат ус-суфрия ("Мис шаҳар"), Мадинат ут-туҗжор ("Савдогарлар шаҳри"), Фохира кабы номлари бўлган.

Наршахий баъзи бир номларнинг келиб чиқишини тушунтиради. Масалан, Шопурком ариғи (ҳозирги Шофиркон ариғи) Эрондан келган Шопур номли шаҳзода номи билан аталган. Шопурком деганн Шопурнинг канали демакдир. Шуниси қизиқки, Бухорода ком термини қадимдан "ариқ" маъносини англатган. Масалан, Коми Зар, Коми Акса, Харамком каби номлар ана шу сўздан таркиб топган.

Баъзи бировлар Нурота тоғларини мўғулча нуру "тоғ тизмаси" деган сўздан олинган дейишади. Аслида эса бу тоғ Наршахий тилга олган қадимий Нур қишлоғидан ном олган. Арабча (нур - ёруғлик) сўзи жой номлари таркибида кўп учрайди. Зарафшон воҳасида нур деган жойлар бир неча бўлган, чунончи, Нури Бухоро, Нури Миёнкол ва бошқалар.

"Бухоро тарихи"да араблардан олдинги маъгусий номлар ҳам учрайди. Чунончи Кўшки Муғон (Муғлар қалъаси), Куйи Муғон (муғлар кўчаси) оташпарастларнинг динлари билан боғлиқдир. Бу ўлкаларда оташпарастларнинг ибодатхоналари кўп деб ёзган эди. Наршахий асарда жуй (канал), ком (ариқ), ғўриқ (қўриқ) каби географик терминлар ҳам тилга олинган. Қўриқ (қўриқланадиган жой, заповедник) сўзини баъзи бировлар мўғулча сўз деб ҳисоблайдилар. Наршахийнинг китобидан кўринадики, бу сўз мўғуллар келмасдан олдинок Ўрта Осиёда маълум бўлган.

Араб географи Истахрий каби, Наршахий ҳам ўлка вилоятларининг номлари билан аталган бош каналларни санаб ўтади: Кармана (Кармана), Шофурком, Ҳарконруд, Ов хатфар, Байконруд, Фаровизулё (юқори фаровиз, иккинчи номи Даймун, Арвон, Сомжон, Кайфур, Зар. Ўтган асрнинг охирларида Бухоро воҳасида яшаган полковник Н.Ф.Ситняковский бу ариқлардан кўплари ҳозир-

гача ўз номларида саклаб колган, деб ёзган эди.

Кадимги жой номларини ўрганишда вакф хужжатлари жуда катта роль ўйнайди. XII асрнинг иккинчи ярмида туғилган Бухоролик Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг вакф хужжатлари устида кўп йил ишлаган тарих фанлари доктори О.Д.Чехович XIV асрдаги кўпгина географик номлар Бухоро атрофида сакланиб колган деб ёзган эди.

Бухоро ўлкасини хозирга кадар тарихчилар, шаркшунослар, этнографлар, географлар, тилшунослар ўрганганлар. Бухоронинг жой номларини ўрганишда ўтган асрнинг биринчи ярмида Бухорога келган Н.В.Ханиковнинг "Бухоро хонлигининг тасвири" китоби, шунингдек харбий географ Л.Ф.Костенконинг Бухорога бағишланган ва ўтган асрнинг 70- йилларида чоп этилган китоблари, машхур туркистоншунос Н.А.Маевнинг "Бухоро хонлиги очерклари" (1875) асари алохида ахамиятга эга. Бухоронинг баъзи бир жой номлари тўғрисида венгер шаркшуноси А.Вамбери асарларидан хам, сўнгра харбий инженер И.Т.Пославскийнинг "Бухоро" (1891) асаридан хам бир канча маълумотлар топса бўлади.

XIX аср охири – XX аср бошларида рус шаркшунослари орасида Ўзбекистон топонимикасини, жумладан, Бухоронинг жой номлари, тарихий географиясини ўрганишда академик В.В.Бартольд асарлари алохида ўрин тутади. Бартольд асарларини билмасдан туриб, Ўрта Осиёдаги жой номлари тарихи (топонимика) билан шуғулланиш мумкин эмас. Бартольд асарлари орасида тарихий география тилга олинмаган ва географик номлар учрамайдиган асарларни топиш кийин.

В.В.Бартольд кўпгина жой номларининг этимологиясини кел-

тиради. Лекин, унинг этимологик изланишлари ҳамма вақт ҳам ҳозирги талабга жавоб бера олмайди. Масалан, Карманаинг иккинчи номи Бодия и-хурдак бўлган. Уни Бартольд X аср тарихчиси Наршахий фикрига асосланиб, Кўзача деб изоҳлаган. Бироқ, бу тўғри эмас, чунки бодия сўзининг "кўза" билан бир қаторда "чўл", "биёбон" деган маънолари ҳам бор. Шундай қилиб, Бодияни хурдак "Кичик чўл" демакдир. В.В.Бартольд "Бухоро" номи санскритча вихара сўзидан олинган бўлиб, "ибодатхона" маъносини англатади деган эди. Кейинги тадқиқотлар бу фикрнинг ҳам эскириб қолганлигини кўрсатди.

Бухоро топонимикасини ўрганишда тарихий-этнографик асарлардан М.А.Абдурашмов, И.Магидович, А.Р.Муҳаммаджонов, О.А.Сухарева, А.А.Семёнов, В.А.Шишкин ва бошқа олимларнинг асарлари катта ўрин тутади. Бу олиб борилган тадқиқотларнинг аҳамияти шундаки,уларда географик номлардан ташқари социал-тарихий, ирригацион, географик терминлар, шунингдек этнонимлар (уруғ-аймоқ номлари) кўплаб келтирилганки, улар жой номларининг маъносини тушуниб олишда муҳим калит бўлиб хизмат қилади.

Бухоро водийси ирригацион терминларга бой, бу эса ўлкада суғорма деҳқончилик қадимдан тараққий этганлигини кўрсатади. Қуйида баъзи бир ирригацияга оид терминларга тўхталиб ўтамиз.

Зарафшон водийсида дарёдан чиқарилган бош канал рўд деб аталган, масалан, Шаҳрўд, Рамитанрўд, Қалқонрўд ва бошқалар. Рўдбар, рўдхона терминлари ҳам шу маънони англатган. Йирикроқ каналлар ком деб аталган, масалан, Коми Зар, Коми Акка, Ҳаромком, Шопурком. Ком термини Бухородан бошқа ҳеч бир жойда учрамайди. Магистраль каналдан чиқарилган каналлар жўй ёки жўйбор, улардан чиқарилган ариқлар шохжўй, энг майда ариқлар эса афшоқ ёки бодоқ деб аталган. Дарё сўзи дастлаб "денгиз" маъносини англатган, кейинчалик эса

хозирги маънони билдира бошлаган.

Бухорода кадимий суғдча жон термини "кўл", "хавза", "сув ойи-ми" маъносини билдирган. Чунончи, Қоракўлнинг кадимий суғдча номи Сомжон бўлган. Ўрта асрларда Бухорода сув хавзасини сикоя деб аташган. Бу термин арабча сакя "суғориш" сўзидан келиб чиққан. Бухоро билан Хоразмда сакя деганда каналнинг боши тушунилган. Бухорода, шунингдек, каналнинг боши дахана ёки сарирўд ва сарижўй, каналнинг бош кисми боло обхўр, куйи кисми поён обхўр деб юритилган. Хар кандай катта дарё, канал жайхун деб аталган. Масалан, Комод (Вобкент) амлакдорлигида

битта канал ва унинг учта кулоғидан биттаси жайхун деб номланган. Ерга сингиб кетадиган сувни бухороликлар сизоб, ортикча сувни обпартов, яъни портов сув деб аташган. Канал ва дарёларнинг бошларини тўсиш усулини билдирадиган терминлар ва туғон куриш ва сувни кўтариш усулларини англатадиган терминлар амалда бўлган. Амударёнинг этаги Зарафшонда, Фарғона водийси дарёларида сувни тўсиш учун ишлатилган фошинлар Хоразмда новард, Зарафшонда навала (баъзан вард) ёки корабуйра, Фарғонада улик деб аталган. Сувни юкорига кўтариб берадиган мослама одатда чиғир деб юритилган. Зарафшон водийсида эса уни дўлоб деб хам юритишган. Бухоро вохасида Дўлоб деган жой бўлган. Бухорода чиғирни чарх деб хам аташган. Шундай килиб, Бухоронинг ирригацион терминлари бошка районлар терминологиясидан фарк килган.

Юкорида айтилгани каби, Бухоро вохаси энг кадимий маданият ўчокларидан ва суғорма дехкончилик районларидан бири, шунинг учун хам ўлканинг жой номлари кадимий бўлиб, турли аср-

лар маҳсулидир.

Ўлканинг ҳозирги энг қадимий номлари эронча номлардир. Чунки ҳозирги Бухоро области территориясида яшаган энг қадимги маданий халқ – сўғдийлар эрон тилида гаплашган. Йирик совет топонимист олими Э.Мурзаев қайд қилгани каби, ҳозирги географик номлардан энг қадимгилари эронча номлардир, деб ҳам бўлмайди, чунки ундан олдин ҳам қандайдир бизга номаълум бўлган тилда гаплашган халқлар яшаган бўлиши эҳтимол.

Бухоро воҳасидаги топонимларнинг кўп қисми туркий тил элементларидан иборат. Шу билан биргаликда бу территорияда эронча (яъни сўғдча ва тожикча) номлар ҳам кўп. Бухоро области ерлари бу жиҳатдан бошқа ерлардан фарқ қилади, чунки республикамиздаги кўпчилик областларда аксари номлар туркий, яъни ўзбекча, қозоқча, қорақалпоқча номлардир. Бухоро воҳасида юқорида айтилгани каби қадимий номлар тўлиб-тошиб ётибди. Уларнинг бир қисми тарихий манбаларда тилга олинган бўлса, кўпчилик қисми бирон бир қўлёзма ва китобда қайд қилинган эмас. Бу табиий, албатта.

Чунки бирон район ёки ўлкадаги ҳамма катта-кичик жой номларини қандайдир тарихий муносабат билан ёки лингвистик, этнографик асарларда қайд қилиш мумкин эмас. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ.

Фақат Совет ҳокимияти даврида даврий равишда аҳоли рўйхатлари ўтказилиши муносабати билан барча шаҳар, қишлоқлар, овул ва хуторлар номма-ном рўйхатга олиб чиқилди. Шундай қилиб, барча аҳоли рўйхатлари тўла мажмуи қўлга киритилди, лекин жой номларининг кўпчилик бу рўйхатларда аслига тўғри келмайдиган шаклларда нотўғри ёзилган. Эндиликдаги вазифа ана шу нуқсонларни тузатиш, барча номларни маҳаллий шакли асосида тўғри

ёзиб чиқишдан иборатдир.

Бухоро воҳасида чиндан ҳам қадимий номлар кўп. Бундай номларнинг маъноси ҳозирги кунда тушунарсиз бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам уларни охирги қўшимчалари ёки айрим компонентларига қараб гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Масалан, юқорида жон терминини сўғдча дедик. Масалан, Асвижон, Арбинжон (Робинжон), Армижон, Кумаржон, Марзижон, Йиржон,Сомжон каби номлар ана шу "кўл","сув ҳавзаси", "канал" маъносидаги жон сўзидан таркиб топган.

Митан сўзидан тузилган аҳоли пунктлари ҳам жуда қадимий номлардир: Армитан, Вомитан, Зармитан, Ромитан, Ромитанак, Семитан ва бошқалар. Бу сўз қадимги эрон тилларида "турар-жой" "макон" маъносини . англатган. Бундан ташқари, ўзбек ва қорақалпоқлар орасида митан деган уруғ ҳам бўлган.

Қадимий топонимлар орасида дуван (туван) қўшимчаси билан тугайдиган жой номлари ҳам учрайди: Амбардувон, Оврудувон, Базандувон (Бузундивон), Ғабуздувон, Ғиждувон, Кокиштувон, Миждувон, Пинжувон, Хардувон. Дувонтувон сўғдча сўздир. Чунки у фақат Сўғдиёна территориясида учрайди. Бундан ташқари, ўрта асрларда Шимолий Қирғизистонда Жувон, Харранжувон деган шаҳарлар бўлган. Бу ерлар ўша даврларда Еттисувдаги қадимий сўғд колониялари бўлган.

Диз, диза (сўғдийча "қалъа","истеҳком" демакдир (элементи ҳам Сўғдиёна территориясида, шунингдек сўғд тили тарқалган районларда қайд қилинган: Баландиза, Вагдиз, Ғибандиза, Заргардиза, Кучакдиза, Малакдиза, Муғондиза ва бошқалар.

Шунингдек, Дарзи, Истамзе, Фаланзе, Вардазе, Ваганзи каби номлар таркибида ҳам сўғдча зи, зе ("жой" маъносида) терминлар

мавжуд. Бу номлар ҳам қадимий сўғдча топонимлардандир.

Кет (кат), кент (кант) қўшимчаларидан таркиб топган аҳоли пунктларининг номлари ҳам қадимий ҳисобланади: Манкет, Мижимажкет, Таткенд, Тумушкент, Фаркент, Фарзаккенд ва бошқалар. Кат (вариантлари кас, кент) сўзи сўғдча бўлиб, асосан аҳоли пунктлари номларини билдиради. Кейинчалик бу сўзни туркий халқлар қабул қилган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий кен сўзи шаҳар деган маънони билдиради ва кенд сўзининг қисқартирилган шаклидир деган эди. Бундай топонимлар орасида сўғдий номлар билан бир қаторда туркий номлар ҳам бўлиши табиийдир.

Ўрта Осиёда ўтмишда Македониялик юнонларнинг бўлиши жой номларида деярли из қолдирмаган. Зарафшон водийсидаги Искандаркўл номини Искандар Зулқарнайн номи билан боғлар эдилар. Аммо олимлар кўл номи сўғдча Искатар яъни "Баландликда жойлашган" сўзидан олинганлигини исботладилар.

Арабларнинг кўп асрлик ҳукмронлиги Ўрта Осиё топонимиясида, жумладан Зарафшон водийси жой номларида сезиларли из қолдирган. Бухоро топонимлари таркибида арабча диний терминлар, айниқса кенг тарқалган. Араблар босиб олган территорияларда работлар, яъни истеҳкомлар қурганлар. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсида работ сўзидан таркиб топган жой номлари айниқса кўп учрайди. Арабча терминлардан ақба (овра) "довон", анҳор (наҳр) "арик, канал" сўзлари жой номлари таркибида анчагинадир. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, кўпгина арабча сўзлар ўзбек тилининг лексик таркибига киргандан сўнг жой номлари ҳосил қилган. Шунинг учун ҳам таркибида арабча сўзлар (мачит, мадраса, работ сўзлари) бўлган жой номларини арабча дейиш ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди.

Бухоро областидаги кой номларининг аксарияти туркий тил сўзларидан ясалгандир. Бирок, туркий номларнинг кўпчилиги асосан кейинги асрларда пайдо бўлган. Аммо туркийча топонимларнинг баъзи намуналари Бухоро вохасида кадимий даврлардан маълум бўлган. Масалан, Коракўл сўзи VIII асрга лойик манбаларда кайд килинган. Шу билан бир каторда араб географларидан Мукаддасийнинг асарида (X аср) Бухоро якинида Авшар кишлоғи кайд килинган. Бу кишлокнинг номи Махмуд Кошғарийнинг "Девону луғат-ит турк" асарида (афшар), Рашидаддиннинг "Жоме ат-таворих" ва Абулғози Баходирхоннинг "Шажараи тарокима" китобларида тилга олинган, уғиз кабиласи – авшар номининг инъикосидир. X ва XI асрларда Тавовис шахридан шаркда Кук ёки Кўкшфарн деган кишлок бўлган. Бу кишлокда турклар Бухорога хужум килишдан олдин тўпланишган. Тарихчи С.И.Смирнова бу кишлок номи туркий кўк "осмон", "илохият" сўзидан иборат бўлса ажаб эмас деган эди.

Кадимий туркий номлар хатто Зарафшоннинг юкори кисмида хам кайд килинган. Совет эроншуносларидан М.Н.Боголюбов ва О.И.Смирнова Муғ тепалигидан топилган суғд хужжатларида кадимий туркий номлардан Олмалик, Сари (Сарик) топонимларини топдилар. Яғноб тили бўйича мутахассис А.И.Хромов янги суғд (яғноб) тилининг ватани бўлган Яғнобнинг марказида хам туркий номлар борлигини кайд килган эди. Бу олимнинг кузатишларига караганда туркий номлар оз бўлса, хам бутун юкори Зарафшон ва Яғнобда учрайди.

Тарихчи В.А.Шишкин X-XII асрлардаёк Бухоро вохасида Кўрик, Айритом, Туячи, Эшакчи, Беглик каби туркий номлар учрашини айтиб ўтган эди. Юкорида айтилганидек, номларнинг кадимий эканлигини уларнинг грамматик тузилишига караб хам айтиб бериш мумкин. Чунончи, Бухоро областининг Коракўл районида Сўксўк деган

қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд. Бу қишлоқнинг номи XV-XVI асрлардаги вакф ҳужжатларида қайд қилинган. Сўксўк деганда ҳозир ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам ҳеч нарсани тушунмайдилар. Ҳолбуки сўксўк қадимий туркий сўз бўлиб, "саксовул" деган маънони англатади ва бу сўз бундан минг йилча олдин Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғат-ит турк" асарида қайд қилинган.

Қизилқумнинг чекка қисми Ичкиликкум деб аталади. Бу топоним "Ичкарида жойлашган, чўлнинг ички қисмида жойлашган" деган маънони англатади. Таркибида ҳозирги кунда ишлатилмайдиган сўзлар бўлган топонимлар қадимий номлар ҳисобланади. Қадимий туркча топонимларни ана шу йўл билан топиш мумкин.

Ўрта Осиёда "қишлоқ", "аҳоли пункти" маъносида илгарилари кент, дех (эронча), қарья, қасаба (арабча) сўзлари ишлатилган. Кейинчалик бу сўзларни қишлоқ сўзи суриб чиқаради. Ҳозирги вақтда қишлоқ термини Ўзбекистондагина эмас, балки Тожикистонда, шунингдек Афғонистон ва Эронда ҳам кенг ишлатилади. Шунингдек, туркий тепа сўзи ҳам арабча талл сўзини суриб чиқади ва табиий географик объектлар номларигина эмас, балки аҳоли пунктлари номлари таркибида ҳам учрай бошлайди. Шуниси қизиқки, тепа сўзи кейинги асрларда, айниқса XVI-XVIII асрларда уруғ-аймоқ номларидан ҳам топоним ясай бошлайди: Арғунтепа, Қиёттепа, Наймантепа, Уйшунтепа ва ҳоказо.

Маълумки, XVIII-XIX асрларда, қисман XVII асрда ва ундан олдинроқ кўчманчи ўзбекларнинг Ўрта Осиё воҳаларига кириб келиши натижасида аҳоли пунктлари кўпроқ уруғ-аймоқ номлари билан атала бошлайди. Бухоро воҳасида уруғ-аймоқ номлари билан аталган бир неча юз қишлоқ бор. Бу жиҳатдан Зарафшон водийси ва Жанубий Ўзбекистон республикада биринчи ўринда туради. Масалан, ўтган аср-

1984 ГБ УзССР
А 29098

нинг охирида Бухоро воҳасидаги 2800 аҳоли пунктининг учдан бир қисми уруғ-аймоқлар номларидан таркиб топган эди. Булардан Овоқли, Олчин, Орлот, Оллот, Олот, Арғун, Баёт, Баҳрин, Буркут, Дўрман, Жалойир, Қорлиқ (Қоллиқ), Манғит, Сарой, Пўлатчи, Тама, Найман, Урганжи, Чандир, Чуют, Ёбу каби этнонимлар бир неча бор такрорланади. 1959 йилги аҳоли маълумотларига кўра Бухоро областидаги 3000 дан сал ортиқ аҳоли пунктларидан тахминан 14-15 проценти (440-450 таси) уруғ-аймоқ номларидир. Бухоро областида ўзбеклардан ташқари бошқа халқ этнонимларидан араб этноними айниқса кенг тарқалган. Бу этноним Араб, Арабон, Арабча, Арабий, Арабсарой, Арабтепа, Араб-Хона, Сайид, Сайидон шаклларида ўтган аср охирларида 80 дан ортиқ марта такрорланади. Бу номлар арабларнинг бу ерларга келиши ва ўрнлашиб қолиши билан алоқадордир.

Бухоро областидаги барча аҳоли пунктлари номларини уларнинг генетик келиб чиқиш, манбаига кўра учта йирик группага бўлиш мумкин:

1) туркий номлар. Бунга қадимий туркий номлар, ўзбекча номлар, қисман қозоқча номлар киради; 2) эроний номлар - сўғдий номлар, тожикча номлар; 3) русча номлар.

Туркийча номлар, юқорида қайд қилингани каби, қадимий туркий номлардан, яъни бундан минг йиллар олдин пайдо бўлган (қадимий туркий халқлар ёки Мовзроуннахрнинг туркийлашган туб халқлари томонидан қўйилган) номлар ва замонавий туркий номлар, яъни ҳозирги замон ўзбек тили базасида вужудга келган номлардан иборат. Конимех ва Томди районларида учровчи қозоқча номлар ҳам мана шу гуруҳга киради. Туркий номлар Қоракўл воҳасида айниқса кўп учрайди. Чунки Айиб номининг тарихи қизиқарлидир. Бу ерда қади-

май эроний номлар деярли йўқ. Шундай қилиб, туркий номлар вақт жиҳатдан эроний номлардан сўнг пайдо бўлган бўлса ҳам, миқдор жиҳатидан катта ўрин тутади. Воҳада ҳозирги замон эроний номлар, яъни тожикча номлар жуда кўп. Тожикча номлар деганда ҳозирги замон тожик тили заминида пайдо бўлган ва ўрта аср географлари асар ларида тилга олинмаган топонимлар тушунилади. Бундай номлар жойининг хусусиятларини ёки бирон нарсаларини акс эттиради: Боғикалон ("Катта боғ"), Лабидарё, Сариосиё ("Тегирмон боши"), Гала осиё ("Бир гала тегирмон"), Сиёҳоб ("Қорасув") ва ҳоказо. Бухоро областида ҳунар-касб номлари билан аталган топонимлар айниқса кўп: Намадгарон (кигиз босувчилар), Заргарон, Телпадўз, Дегрез ("Қозон қуювчилар"), Шамширгарон ("Қиличсозлар"), Пустиндўзон/"Пустин усталари"), "Гиламбофон ("Гиламчилар"). Дин вакиллари жой номларидан ўз мақсад ва кирдикорларида фойдаланишга интилганлар. Бу маънода Чашмаи Аюб булоғи дастлаб Чашмаи Майиб, яъни майиб-маҷруҳлар даволанадиган булоқ бўлган, кейинчалик унга диний тус беришган ва Айюб пайғамбар номи билан боғлай бошлаганлар. Натижада ном диний тус олган.

Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан сўнг Бухоро областида бир қатор русча номлар пайдо бўлди. Русча номлар дастлаб чор ҳокимларининг қарорлари ва махсус буйруқлари билан ўлка топонимикасига кириб келган эди.

Совет ҳокимияти йилларида русча интернационал номлар колхоз ва совхозларнинг номлари сифатида аҳоли пунктлари пайдо бўлди: Авангард. Гигант, Комсомольск, Коммунизм кабилар ана шулар жумласидандир. Аҳоли пунктларига Коммунистик партия ва Совет давлатининг арбоблари номларини қўйиш одат тусига кирди: Калинин, Свердлов, Киров, Ўзбек тилига ўзлаштирилган русча-интернационал

сўзлардан ясалган янги номлар ҳам пайдо бўлди: Кизил Октябрь, Биринчи Май, Советобод, Районобод ва хоказо. Кейинги номлар ўзбек тилининг ўз ижодидир. Шундай килиб, совет даврида юзага келган географик номлар ўзига хос топонимларнинг категорияни ташкил этади. Социалистик меҳнат ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, космонавтлар, адабиёт, фан ва санъат арбобларининг номлари аҳоли пунктлари, колхоз ва совхозлар, каналларнинг номларига кўчди: Садриддин Айний, Ҳамза, Гагарин ва бошқалар.

Русча номлар борасида сўз борганда битта кизиқ мисолга тўхталиб ўтмокчимиз. Бухоро шаҳарида 20- йилларда 200 дан ортиқ гузар бўлиб, улар орасида Урусон гузар деган ном ҳам мавжуд эди. Бухорони тадқиқ қилган олим О.Н.Сухарева оғзаки маълумотларга асосланиб, бу гузарда асир олинган руслар яшаган, деб айтган эди, (О.А.Сухарева, Бухоро XIX начало XX вв., Москва, 1966, 179- бет.).Кейинчалик О.А.Сухарева бу фикрдан кайтди ва гузарда Россиядан келган элчилар яшар эди, деган хулосага келди ва ниҳоят олима гузар ўзбекларнинг ўрис қабиласи номи билан аталган, деган узил-кесил фикрга келди. (О.А.Сухарева, Квартальная община позднефеодального города Бухары, Москва, 1976, 140- бет.)

Тарих фанлари доктори Н.А.Кисляков фикрига караганда, Бухоронинг Урусон гузари Арусону Бухоро, яъни "Бухоро келинлари" номининг бузилган шаклидир. Ҳакикатан ҳам XIУ-XУ асрлардаги вақт ҳужжатларида Ҳавзи Арусони Кўхна ёки Ҳавзи Арусон деган кишлок, шунингдек Ҳавзи Арусону Баладеи Бухоро деган жой ёки кишлок кайд килинган. Арусон бора-бора Урусон бўлиб кетганлиги конунийдир. Бухородаги Урусон гузаридан ташкари шаҳар якинида Урусон деган кишлоқ ҳам бўлган. Бу топонимлар аниқроғи ўзбеклар таркибида бўлган ўрис кабиласи номидан келиб чиккан.

## ТОПОНИМИК ЛУҒАТЧА

Авшармахалла – Бухоро райони. Араб географи Муқаддасий асарида Бухоро шаҳари яқинида (Х аср) Авшар номли қишлоқ тилга олинган. Қишлоқ Авшар (афшар) деган уруғ номи билан аталган.

Агламдор – Ромитан райони "аламли, байроқли" демакдир. Агламдеганда ўтмишда азиз-авлиёларнинг қабрлари устига осилган латта-путта тушунилган.

Алелича – Свердлов райони. Алели (алиэли) деган туркман уруғи номи билан аталган.

Баёт – Қоракўл райони. Баёт деган туркман қабиласи бўлган.

Бодияи хўрдак – Кармана шаҳарининг қадимий номларидан бири. Бодия сўзи "чўл, дашти-биёбон" деган маънони англатади. Бодияи хўрдак "кичик чўл" демакдир.

Бўйрабоф – Ғиждивон райони. Тожикча "Бўйра тўқувчилар" демакдир.

Бухоро – энг қадимий шаҳарлардан бири. Одатда Бухоро сўзи санскритча вихара "ибодатхона" деган маънони англатади, дейишади.

Вахимкор – Бухоро Вабкент районлари. Вақф ерларни ишлатадиган киши вақфкор дейилган. Вақфкор кейинчалик Вахимкор бўлиб кетган.

Дарғали – Қоракўл райони. Дарға – доруға сўзи асли мўғулча бўлиб, "бошлиқ, қўмондон" демакдир. Мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар хукмронлик қилган даврларда (ХIУ-ХУI асрлар) вилоят, шаҳар ҳокими дарға деийилган. Дорға идора қилиш ҳамда солиқ ундириш ишлари билан ҳам шуғулланган. Баъзан мирвоб, бозор ҳокими ҳам дорға деб аталган. Бирон лавозимда турган масъул шахсни ҳам дорға дейишган. Масалан, машҳур тарихчи Хондамир Алишер

Навоийнинг укаси Дарвешалини "Доруғаи китобхонаи хумоюн", яъни Кутлуғ кутубхона мудири деб атаган. Маълумки, Дарвешали Алишер Навоий даврида султон кутубхонасининг китобдори, яъни кутубхоначиси бўлиб хизмат қилган.

Дуктарош – Бухоро, Вобкент районлари. Дуктарош – дук устаси, дук (йек) ясайдиган уста.

Ёбухона – Бухоро района. Ёбу қавми яшаган кишлоқ.

Жилвон – Шофиркон района. Бухоро хонлигида Жилбон деган амал бўлган. Жилбон кишиларни ўғри, қароқчи, йўлтўсар ва бошкалардан химоя қилиб турган.

Жувоз қоғоз – Бухоро атрофидаги бир неча кишлок. Қўлда қоғоз тайёрланадиган дастгоҳ жувози қоғоз; яъни қоғоз жувози дейилган. Қоғоз жувоз сув билан ишлаган, баъзан уни қоғоз тегирмони хам дейилган.

Жўйзор – Бухоро гузарларидан бири. Жўй –арик, канал, жўйзор – олтин канал демакдир. Аслида Жўйи Зар – Шохруд каналининг номларидан бири.

Закош – Ғиждувон района, закқаш – Ромитан района.Бу хар иккала кишлоқ хам захкаш сўзидан олинган. Зах-тожик, форс тилида туз шўр, каш – қўшимча. Захкаш деганда шартов ва зах суви оқадиган ариқ, зовур тушунилган.

Лабирут – Ғиждувон района. Тўғриси Лабирўд – дарё лаби, сув ёқаси.

Маддохон – Бухоро гузарларидан бири. Гузар кўпроқ маддоҳлар, азиз-авлиёларнинг саргузаштларини хикоя қилиб берадиган дарвишлар яшагани учун шундай ном олган.

Мазанкўча – Ғиждувон районг. Баққолчилик, шунингдек кишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган ўтроқ лўлилар мазанг дейил-

ган.

Мугот - Вобкент райони. Ўрта Осиё хўжалари ўзларини шундай атайдилар. Мугот сўзи муг (оташпараст) сўзига арабча кўплик афикси от кўшилиб ясалган.

Обдуод - Бухоро областидаги ариқ. Обдуст сув ўгриси ёки ўгирланган сув демакдир.

Регриз - Навоий райони. Тожикча регрез ёки регшўй кумларни ювиб олтин оладиган киши.

Сандикли - чўл. Сандикли деган туркман уруги номи билан аталган.

Саррафон - Навоий райони - Ўрта Осиё хонликларида пул алмаштириш, майдалаш билан кун кўрувчи кишилар сарроф дейилган.

Сариосиё - Вобкент райони. Тожикча - "тегирмон боши" демакдир.

Сўксўк - Қоракўл райони. Қадимий туркий тилда саксавул деган сўз.

Чакар - Бухоро махаллаларидан бири. Шахарнинг қалъа деворидаги истеҳком Чакар дейилган.

Шахруд,- тўгрироги Шахаррўд "шахар дарёси" - Бухоро шахарини сув билан таъминлайдиган дарё.

На узбекском языке

С.НАИМОВ

ТОПОНИМИЯ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

Редактор – Ф.Файзуллаева

Корректор – Г.Имомова

№ 76

Босишга рухсат этилди:29/Ш-84 й. РМ 13618

Буюртма № 117 тиражи – 500

Ўзбекистон ССР "Билим" жамияти ротапринтида босилди.

Тошкент, УзССР 50 йиллиги проспекти, 13.